

## **ИСЛОМ МОЛИЯСИ АСОСИДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ**

***Махмудов Шоҳруҳбек Воҳиджон ўғли***

*Ўзбекистон Республикаси банк молия академияси тингловчиси*

Хорижий давлатларнинг молиявий тизимларида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда ислом молиясининг мавжудлиги қўйидаги асосий кўрсаткичлар асосида баҳоланишини кузатамиз. Ушбу муҳим кўрсаткичлар қўйидагилардир:

- мамлакатлардаги ислом молияси институтларининг сони;
- мамлакатлар анъанавий миллий иқтисодиётидаги ислом активларининг жами активларга нисбатан улуши, фоизда;
- ислом молияси маҳсулотларининг аҳоли орасида машҳурлиги, танлов даражаси.

Кўпгина иқтисодчиларнинг фикрича, “сўнгги ўн йил ичида инвестицияларни молиялаштриш соҳасида ислом молияси саноати бутун дунё бўйича тез суръатларда ривожланди. Хусусан, 2022 йил бошида ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштирувчи институтлар дунёning 75 дан ортиқ мамлакатларида ўз фаолиятини бошлади. Уларнинг энг юқори концентрацияси Яқин Шарқ минтақаси давлатларида, жумладан, Эрон, Судан, Саудия Арабистони, Қувайтда, шунингдек, Жанубий-Шарқий Осиё минтақаси давлатлари бўлган Баҳрайн, Малайзия кабиларда жойлашган.

Айни вақтда Европа Иттифоқи ва АҚШ худудида ҳам ислом молияси ташкилотлари инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда фаол ҳисобланади. Ғарbdаги 1978 йилда ташкил қилинган йирик ислом банки Люксембургда фаолият юритиб келмоқда. Шунингдек, Женевада Дарал-Малал-Исломи халқаро молиявий гуруҳи, Буюк Британия, Германия, Дания, Австралия, Жанубий Африка, АҚШ ва бошқа мамлакатларда эса турли мақсад ва амалга ошириш механизmlарига эга бўлган ислом молияси бўйича ихтисослашган молия институтлари ҳамда ташкилотлари инвестиция лойиҳаларини молиялаштироқда. Улар бугунги кунда жаҳон ислом молия бозорининг тузилишини шакллантириш ва ривожланишида ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тузилмалар ислом молияси тизимида 3/2 қисмни эгаллаганлигининг ўзи ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади<sup>1</sup>.

Хорижий эксперталарнинг қайд этишича, охирги эллик йил ичида ислом

<sup>1</sup> Chowdhury Shahed, A. Islamic Banking: History and Development // Financial Express / A. Chowdhury Shahed. – URL <http://old.thefinancialexpress-bd.com/2015/03/31/86909> (дата обращения: 08.09.2021).

динига эътиқод қилувчи давлатлар ўзларининг молиявий тизимини тубдан ўзгартирмоқда. Ушбу давлатлар молиявий тизимида ахлоқий муносабатлар ва ислом молияси қоидлари асосий ўринни эгаллаши билан ривожланган ва ривожланаётган давлатлардаги “анъанавий” бозор иқтисодиётидаги муносабатлардан тубдан фарқ қилмоқда. Мазкур давлатларда ислом молиясининг ривожланиши суръати таҳлилчиларнинг фикрича, ислом молия институтларининг жами активлари ҳажми 2,5 трлн. АҚШ долларидан ортиқни ташкил этади<sup>2</sup>.

Ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларни молиялаштиришдаги молиявий активларни жамлаш борасида дунёда етакчи ўринларда Саудия Арабистони, Эрон, Бруней Даруссалам, Судан ва Малайзия каби ислом дини асосий ўринни эгаллаган давлатлар туради, дейиш мумкин. Шунингдек, Ғарб молиявий дунёсида исломий молиянинг кенгайиши ҳам янги молия институтларини ташкил этишда ҳам Саудия Арабистони, Малайзия ва Баҳрайндаги мавжуд молиявий марказлар фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Бу борада, исломий молия асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш фаолиятининг кенгайиши ҳам ислом молияси институтларининг жаҳон молия тизимиға тобора кучли интеграция бўлиши, ҳам ислом молиявий маҳсулотларини анъанавий молия институтлари фаолиятига “киритиш” орқали амалга оширилмоқда. Бунда “ислом молияси дарчалари” механизмидан кенг фойдаланилмоқда.

Бундан ташқари, Эрон, Покистон, Судан каби жамият ҳаёти тўлиқ шариат қонунлари ва меъёрларига бўйсунадиган мамлакатларда ислом молиясининг ривожланиши табиий эволюцион йўл билан – бу мамлакатлар миллий иқтисодиёт тизимларининг инвестицияларни молиялаштиришда ислом молияси билан доимий интеграциялашуви орқали содир бўлган. Жумладан, Эронда 30 дан ортиқ тижорат, ихтисослаштирилган ва хусусий ислом банклари фаолият юритмоқда. 2010-2020 йилларда мазкур давлатдаги банклар ва кредит ташкилотлари активларининг ўсиши икки баробардан ошди ва 2022 йилга келиб, жами активлар ҳажми 7,5 млрд. АҚШ доллардан ортиқни ташкил этмоқда<sup>3</sup>. АҚШнинг мазкур давлатга нисбатан жиддий иқтисодий санкциялари босимига қарамай жами активлар ҳажмининг кескин ўзгариши динамикаси, биринчи навбатда, хорижий инвесторлар ва давлат инвестицияларини жалб қилиш билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

---

<sup>2</sup> Islamic finance: Big interest, no interest / The Economist. – URL: <http://www.economist.com/news/financeandeconomics/21617014-market-islamic-financial-products-growing-fast-big-interest-nointerest> (дата обращения: 28.09.2021).

<sup>3</sup> Sokolova O., Goncharova N., Lapina V., Letov P. Theoretical Aspects of International Investment Projects. Advances in Economics, Business and Management Research, volume 195 Proceedings of the Second Conference on Sustainable Development: Industrial Future of Territories (IFT 2022).

Ислом дунёсининг қатор мамлакатларида инвестиция лойиҳаларини ислом молияси асосида молиялаштириш билан бир қаторда анъанавий молия институтлари фаолияти орқали миллий иқтисодиётларда муҳим ўрин тутадиган анъанавий молиялаштириш тизими ҳам мавжуд. Шундай қилиб, ислом оламининг маркази бўлган Саудия Арабистони анъанавий молиядан воз кечмайди ҳамда Ғарб давлатларидан сармоя оқимини оширишга интилади. Саудия Арабистони банк тизимининг тузилмаси ҳам шариат, ҳам Ғарб банки тизими асосида фаолият юритувчи тижорат ва маҳсус банкларни ўз ичига олади. Исломий молиявий хизматларни таклиф этувчи йирик банклар: 2022 йилга келиб, умумий активлари ҳажми 120 млрд. АҚШ долларидан ошган Саудия Арабистони Миллий тижорат банки, 100 миллиард долларга яқин активларга эга Саудия инвестиция банки ва бошқалар<sup>4</sup>.

Малайзия жаҳон ислом молияси тизимининг асосий иштирокчиларидан бири ҳисобланади. Малайзияда 20 дан ортиқ ислом банклари фаолият юритади, уларнинг активлари микдори 170 млрд. АҚШ долларидан ошади. Ислом молияси бутун банк саноатининг 30 %дан ортигини ташкил қиласи. Мамлакатдаги “Malayan Banking Berhad” дунёдаги энг йирик ислом банкидир - унинг активлари 120 млрд. АҚШ долларидан ошади. Малайзия универсал банки (CIMB Group Holdings Berhad) ҳам мамлакатда фаолият юритади. Инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда мазкур банк 100 млрд. АҚШ долларидан ортиқ активлари билан мамлакатдаги иккинчи йирик банк ҳисобланади. “Малайзияда исломий молия секторининг ривожланишига ислом молиясини жаҳон молия тизимиға интеграция қилишга қаратилган давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва тартибга солиниши ёрдам беради. Хусусан, Малайзияга исломий ва анъанавий молиялаштириш мамлакатлари орасида ўз мавқеини мустаҳкамлаш имконини берувчи исломий қарз қимматли қофозларига – сукук эмиссияси интеграция чораларидан бири сифатида қаралади”<sup>5</sup>.

Ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш моделини кенг амалиётда татбиқ этишда Европа мintaқаси давлатлари орасида Буюк Британиянинг алоҳида ўринга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Сабаби, ушбу давлатда ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг хукуқий тамойилларини Европанинг бошқа давлатларида амал қилиб келаётган анъанавий молия тизими орқали инвестиция лойиҳаларини

<sup>4</sup> Ахмед, М. А. Организационно-правовые особенности исламского банкинга. Сравнение исламских и традиционных коммерческих банков / М. А. Ахмед // Дискуссия. – 2016. – № 6 (69). – С. 16–21.

<sup>5</sup> Зарипов, И. А. Исламские принципы финансирования. Экспертное обсуждение в Ассоциации российских банков / И. А. Зарипов. – URL: [http://arb.ru/b2b/discussion/islamskie\\_printsipy\\_finansirovaniya-9834871](http://arb.ru/b2b/discussion/islamskie_printsipy_finansirovaniya-9834871) (дата обращения: 22.09.2021).

молиялаштиришга интеграция қилишда ушбу давлатда амал қилиб келаётган тизим ва тажрибалар “флагман” вазифасини бажариб келмоқда. Жумладан, ислом молияси асосида инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришни назарда тутиш борасида Буюк Британия Марказий банки мазкур мамлакатда “Молиявий хизматлар ҳамда бозорлар түғрисида”ги қонуни билан ислом молияси модели бўйича молиявий маҳсулотлар, кўрсатиладиган хизматлар ривожланишини амалиётда фаоллик билан қўллаб-қувватлайди. Бу борада, молия ва солиқ қонунчилигига киритилаётган алоҳида тузатиш ва ўзгартиришлар инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш борасида амал қилувчи молия тизимини муробаҳа, яъни сотиб олиш ва сотишни кўзда тутувчи инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш шакли, ижара, мушорака, яъни шериклик асосида лойиҳани молиялаштириш услуги каби исломий молиявий операцияларга мослаштиришга хизмат қиласиди<sup>6</sup>.

Бундан ташқари, тадқиқотларимизда Буюк Британияда исломий банк хизматларини кўрсатувчи 20 дан ортиқ тижорат банклар, қолаверса, “ислом дарчалари”ни ташкил этган исломий молиявий маҳсулотлар ва хизматлар турларини кенгайтирувчи шўъба корхоналари мавжудлигига дуч келдик.

Илмий-тадқиқот натижаларига кўра, Германиядаги ислом молияси асосидаги қимматли қоғозлар бозори қатор молиявий инструментлар: сукук, мушорака, муробаҳа ва ижара сингари молиявий маҳсулотлари билан Бирлашган Араб Амирликлари ва Баҳрайндан хорижий инвесторларни фаол жалб қилишга эришмоқда. Бу борада, “Kuveyt Türk” банки нафақат Германия, балки бутун Европа минтақасидаги энг нуфузли ислом молияси институти ҳисобланади. Бу банк Яқин Шарқ ҳамда Европа мамлакатлари ўртасидаги кенг кўламли инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришда “глобал воситачи” сифатида ҳам ҳаракат қиласиди<sup>7</sup>.

Европа минтақасидаги бошқа давлатлар, шу жумладан, Италия, Ирландия, Голландия ва Франция Мусулмонлар сони кўп бўлган фаол ташқи иқтисодий фаолияти ҳам бу мамлакатларни ўз молиявий тизимларига исломий молияни интеграциялаш ва ривожлантириш заруриятига олиб келди<sup>8</sup>.

Хулоса қилганда, ислом молия саноати Яқин Шарқда жамланган ва жаҳон молиявий тартибига таҳдид солмайди, аксинча, ислом молиясининг тартибга солиши тамойиллари ўз самарадорлигини исботлагани учун анъанавий молия

<sup>6</sup> Ахмедов Ф. Н. Развитие исламского банкинга в условиях мирового финансового кризиса / Ф. Н. Ахмедов, Л. Ф. Букофтан // Финансы и кредит. – 2014. – № 38. – С. 48-54.

<sup>7</sup> Ахмед М.А. Организационно-правовые особенности исламского банкинга. Сравнение исламских и традиционных коммерческих банков / М. А. Ахмед // Дискуссия. – 2016. – № 6 (69). – С. 16–21.

<sup>8</sup> Малашенко А.В. Исламская экономика: есть ли шанс на развитие? / А. В. Машашенко // Вопросы теоретической экономики: электронный журнал. – 2021. – № 1 (10). – С. 73-81. – URL: [http://questionset.ru/files/arch/2021/2021-N1/Malashenko\\_VTE\\_2021\\_1.pdf](http://questionset.ru/files/arch/2021/2021-N1/Malashenko_VTE_2021_1.pdf) (дата обращения: 17.03.2020).

тизимида қўлланилиши мумкин. Муалифлар ислом молия институтларининг барқарорлигини жаҳон молия бозорининг ўзгарувчанлигига ноаник баҳолайдилар. Исломий молия институтларининг инқироз даврида янада чидамли бўлишини даъво қилиш учун етарли далиллар йўқ. Шундай қилиб, жаҳон молия бозорида хукмронлик қилган ва катта йўқотишларга олиб келган тенденциялардан тўлиқ таъсирланган Dubai Islamic bank (БАА) ва Ihlas Finance (Туркия) билан боғлиқ вазиятни ҳисобга олиш керак. Шунга қарамай, ислом молия саноати иштирокчиларининг молиявий хавфсизлигини ошириш масалалари чукур таҳлил қилишни талаб қиласди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. AAOIFI, “Financial Accounting Standard (FAS) 14: Investment Funds”; “FAS 50: Investment Institutions” (2024).
2. IFSB, “Guiding Principles on Governance for Islamic Collective Investment Schemes (IFSB-6)”, 2009; “IFSB-30 (2023/2024)” — IIFS uchun korporativ boshqaruv prinsiplari (mos jihatlar).
3. Bursa Malaysia, “Shariah-compliant Real Estate Investment Trusts (i-REITs)” va “Purification” bo‘yicha yo‘riqchi materiallar.
4. Aminova, N. U. Q., Zukhurova, M. S. Q., & Tulagankhujaeva, I. S. Q. (2021). INVESTMENT PROCESS AND INVESTMENT POLICY. Science and Education, 2(2), 219-225.
5. Aminova, N. U. (2021). Development of foreign economic activities in the republic of uzbekistan through attracting foreign investment. Asian Journal of Multidimensional Research, 10(8), 216-221.
6. Qizi, A. N. U. (2023). ISSUES OF FINANCING OF INVESTMENT PROJECTS ON THE BASIS OF SYNDICATE LOANING. Open Access Repository, 10, 8-14.
7. Aminova, N. XORIJIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISH ORQALI O ‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA TASHQI IQTISODIY FAOLIYATNI RIVOJLANTIRISH. Ўзбекистон республикаси суғурта бозори учун кадрлар тайёrlашнинг ҳозирга ҳолати, муаммолари ва ривожланиш истиқболлари, 132.
8. B. Gupta et al., "Channel Modelling for Holographic MIMO-Enabled IOT Devices in 6G Networks," in IEEE Transactions on Consumer Electronics, doi: 10.1109/TCE.2025.3594902
9. Nilufar Aminova. (2024). Loyihalarni Islom modeli asosida moliyalashtirishning o‘ziga xos xususiyatlari. Yashil Iqtisodiyot Va Taraqqiyot, 2(4), 9–16